


ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациисининг газетаси

35

1994
йил
27 август
2 сентябрь
(177)



Эй, маним Мустақил Республика! Муборак айёминг қутлуғ, илоҳим бағринг бутун бўлсин!



Ассалом она юрт, ассалом Ватан!

ТОНГ ОТМОҚДА, БЕҒУБОР ТОНГ. Борлик ҳарир либосга бурканиб, олам яшариб бораётгандай. Уфқ этагида шафақ аксига йўғрилган камалак мисол товланган байроқларда бугун ажаб тўлғаниш, тўлқинланиш бор. Мавжудлик, тириклика абадиilik бахш этгувчи, бежонга ҳам жон ато қулгувчи оҳанглар қайноқ қон томирш мисол борлиқ узра оқаётир. Теваракни сукутга толдириб, аллалаб тавсиф-тасавурлар селига қондириб, сирли — синоати билан маст қилаётир. Она руҳкори, она бағри янглиқ бағоят тотли-тароватли, ҳузур-ҳаловатли, ҳадис-ҳудудсиз меҳри мўттабар Ватан тавалуди боис, кўз қароси оғушидан ўзига мангу жой олган муқаддас истиқлол айёми боис ўзгача тантановорлик, шодмонлик парвоз қилаётир. Нурлар, шўълалар йўргагига бурканган кўчаю гўйи, хиёбону йўлкалар, бағри кенг майдонлар байрам либосида товланар, самовий кўзлар — бессаноқ юлдузлар каби чараклар, ёнар.

Одам боласи эса қайта туғилгандай. Таъриф тоқи осмондай кенг қувонч, ажаб ҳаяжон, ўзгача ифтихор билан боқишиш атрофга. Чунки улар ўзликларини таниб, кўкракларини, тог қилган мустақиллик эрикдан баҳрамандлар бугун. Тинч-тотувлик, бирликка эришиб, шимонга етганларидан бошлари осмон қадар сарафзор. Мустақилликда кечилган уч ўйлликни сарҳисоб қилиб, ҳаётлари осойишта,

сарашта, қуёшли кунлари хушнуд ва хушбахт бўлганидан мамнун ва баҳтиёрлар. Янги Конун мажмусаси, давлат рамзи, мадҳияси қабул қилингани, миллат руҳини қайта равнақ топишига кене ўйл очилгани учун ҳам яратганга мине бора шукрлар ўқирилар. Миллий қадрияtlар, миллий тил, миллий урф-одатлар қарор топиб, қалблари, шуурлари дунёча уларнинг. Шу туфайли мустақилликнинг порлоқ истиқболига, республикамиз камолига юксак ишонч туйгусига шўнгигиб байрам руҳига руҳ қўшаётирлар. Кўнгил-кўнгилларга кенг эшик очиб, эл-улуслар аро меҳр-оқибат терап чуқур илдиз отиб, эзгу ният, эзгу тилаклар, олий мақсадлар билан шаҳдам одимлайдилар, бош узра чараклаб турган бобоқуёш гувоҳ, шу-шон-шарафли истиқлол тантаналари эллик, юз ўйлар, мине ўйлар давомида бирини қувраб ғитиб, худди шу кунлардагидай кайфиятда ўтаверишини Оллоҳдан тилайдилар. Шу сабаб давр-давронимизни ифтихор ила қутлаб деймиз:

АССАЛОМ, ОНА ЮРТ, АССАЛОМ, ВАТАН! ЖАҲОН ИЧРА ЖАҲОН БЎЛИБ ДОВРУҒ ЕЙГАН УЛУҒ ТУНИНГ МУБОРАК, ТҮИИНГГА ЯРАШГАН ҚАДДИ-КОМАТ, НУРАФШОНЛИК, ҚУТЛУҒ БУЙИНГ МУБОРАК!

Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ.

БАХТИМИЗНИ КУЙЛАЙМИЗ

Фурурим ўсмоқда кенг жаҳон аро, Олам ичра бермоқда минг бир садо. Қалбимдан тошадир қувончли наво, Бахтимни барадла куйламай бўлмас. Ҳеч нурамас нурдан пойдевор

қурдим,

Юзимни саодат таҳтига бурдим, Эркинлик нашъасин хузурин сурдим, Бахтимни барадла куйламай бўлмас.

Озодлик элимнинг дил камолоти, Озодлик ўзбегим баҳт-саодати, Юртим — келажакнинг буюк

давлати,

Бахтимни барадла куйламай бўлмас.

Эл мустақиллигин улуғ байрами, Тангримнинг бизларга фазли карами, Ҳайдарининг умрида энг азиз дами, Бахтимни барадла куйламай бўлмас.

Ҳайдар МУҲАММАД.



ХАЛҚИМИЗ Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 3 йиллик тўйини нишонлаш арафасида туриди. Ўтган киска даврича давлатимиз—халқаро майдонда жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлди. Узбекистон учун жаҳон дарвозалари кенг очилди.

Давлатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Оврўпода хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши ишига кўшилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослаштирилган муассасалари кирди. Булар эса ўз навбатида Узбекистоннинг халқаро ҳамжамиятидаги яратувчалик фаолияти билан шуғулланиш истиқболи учун кўйилган амалий қадамдир.

Истиклол шарофати туфайли республика касаба уюшмалари ҳам мустақилликка эришдилар, юкорига карамлик, тобелидан озод бўлдилар. Касаба уюшмаларининг ҳукукий мақоми ўзгарди. Сиёсий, иктисодий ва ижтимоий соҳалардаги ҳукук ва ваколатларини Мустақил Узбекистоннинг Конституцияси, «Касаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳукук ва кафолатлари тўғрисида»ги конун асосида амалга оширмокдалар.

Халқаро ишларни такомиллаштириш, хориждаги касаба уюшмалари марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бирдири.

Узбекистон касаба уюшмаларининг халқаро фаолияти меҳнаткашларнинг ижтимоий-сиёсий манбаатларини химоя этиш борасидаги хорижда тўплланган тажрибаларни ўрганишга, уларни ўз фаолиятларидаги кўллашга, халқаро касаба уюшмалари диккат марказида бўлган ижтимоий-иктисодий, сиёсий, экологик ва бошка долзарб муаммоларiga бўйича позицияни ишлаб чиқшишга, турли мамлакатлар касаба уюшмалари бирдамлиги учун курашга каратилган.

Уч йил мобайнинда Узбекистон касаба уюшмалари Хитой Халқ Республикаси, Эрон, Туркия, Курдия Халқ Демократик Республикаси, Хиндистон, Вьетнам, Италия, Исландия, Франция, Покистон давлатларининг 22 касаба уюшма марказлари билан бевосита алокалар үрнатди.

Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши халқаро фаолиятида Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги касаба уюшмалари, айниқса, Марказий Осиё давлатларини касаба уюшмалари марказлари билан ҳамкорликни ривож топтиришда алоҳида ўрин тутиди.

Республикамиз касаба уюшмалари Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбайжон касаба уюшмалари Марказлари Мувофиқлаштирувчи Кенгаши ишида фаол иштирок этмоҳдалар. Ушбу Мувофиқлаштирувчи Кенгашинига таъсис мажлиси Тошкент шаҳрида бўлиб ўтганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмок зарур.

Россия, Украина, Белоруссия касаба уюшмалари марказлари билан эса ҳамкор-

лик тўғрисида икки томонлама битимлар имзоланди.

Хорижий мамлакатлар касаба уюшмалари билан алокаларни мустаҳкамлаш ишлари доимий ўзаро вакиллар, касаба уюшмалари иши тўғрисида ахборотлар айирбошлаш, касаба уюшмалари фаолиятларининг долзарб муаммоларига бағишлиланган қўшма конференциялар, семинарлар, симпозиумлар ўтказиш, касаба уюшмалари ходимлари ва фаолларининг ўзаро ўқувини ташкил қилиш асосида олиб борилмоқда.

Сўнгги икки йил мобайнинда амалдаги алокалар донрасида касаба уюшмалари ташкилотлари раҳбарлари ва фаоллари ўқиши, амалий тажриба алмашиш мақсади-

лари Федерацииси кенгаши раиси X. Б. Жамолов бошчилигидаги бир гурӯх вакилларимиз Хитой Халқ Республикаси жавоб ташрифи билан бориб келинди. Ташириф давомида 1994-1995 ўкув йили давомида Умумхитой касаба уюшмалари Федерациисиning 2 нафар масъул ходимини Тошкент билимгоҳларининг бирорда рус ва ўзбек тилини ўрганиш ва ўз навбатида Узбекистон касаба уюшмалари ходимлари ва фаолларининг 7-8 кишидан иборат 10 гурӯхни Хитойдаги малака ошириш марказларida бир хафталик ўқувларини уютириш борасида ҳам келишиб олинди.

Амалий алокалар тармоқ касаба уюшмалари доирасида ҳам ўз самарасини бермоқда. Яқинда Узбекистон машинасозлик

лаш, меҳнат низомларини тартибиға солиши, ишга жойлаштириш тармоқларини ташкил этиш ва бошқа масалаларни ҳал этишда мухим роль ўйнайди.

Айни пайтда Узбекистон касаба уюшмалари Федерацииси кенгаши Мехнат вазирлиги билан ҳамкорликда меҳнат ва ижтимоий соҳаларга тааллукли ҲМТнинг бир нечта Конвенцияларини ратификациялаш учун Олий Кенгашига тавсия тайёрламоқдалар.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, хорижий давлатлар касаба уюшмалари фаолиятлари ҳакида ахборотлар камчилиги, шу ахборотларни маълум тамойилга солиб, таҳлил ётвучи ва умумлаштирувчи техника асбобларининг етишмаслиги, касаба уюшмалари ўз хорижий меҳмонларини кабул қилиб, хизмат кўрсатиш учун маҳсус масканларнинг ўйқилиги ҳалқаро фаолиятларни тўлиқ амалга оширишларига имкон бермаяпти. Лекин бу кийинчиликларни бартарафа килиш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Узбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Кенгашининг VIII мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Узбекистон касаба уюшмалари Федерациисиning XV курутойни чакириш муддати белгилаб олинди. Шунингдек, Узбекистон касаба уюшмалари Федерациисига бирлашган касаба уюшмаларининг Низоми ва Ҳаракат дастурийларидаги маъқулланади. Дастурда касаба уюшмалари фаолиятларининг барча йўналишлари катори ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари белгилаб кўйилган. Булар асосан ҳалқаро касаба уюшмалари бирлашмалари, касаба уюшмалари Умумий Конфедерацияси, ижтимоий-иктисодий ва инсонпарварлик масалалари билан шуғулланувчи ихтисослашган муассаса ва ташкилотлар, биринчи табори ҲМТ билан ҳамкорликни мустаҳкамлаштириш манбаатларини химоя килиш соҳасидаги хорижий мамлакатлар касаба уюшмалари марказлари билан биргаликда ҳаракатлар самарадорлигини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш ва уни амалда кўлланишга, қўшма корхоналарда ишлатириш махнаткашларнинг меҳнати ва дам олишлари учун бошқа мамлакатлар касаба уюшмалари марказлари билан биргаликда зарур шарт-шароитлар яратишга, ҳалқаро сайдхлик, спорт ва маданий алокаларни ривожлантириш бўйича кўмаклашишга каратилган вазифаларидир.

Узбекистон касаба уюшмалари Федерацииси кенгаши ҳорижий касаба уюшмалари марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда Узбекистон касаба уюшмаларини ҳалқаро касаба уюшмалари ҳаракатида муносиб ўрнини таъминлаш учун бор имкониятларини ишгасоладилар.

Зоир ҚОДИРОВ,
Узбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси кенгаши раисининг
ўрнибосари.

МАМЛАКАТИМИЗ ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТМОҚДА



да турли мамлакатларга бориб келдилар.

«Турк-металл», «Хабар-Иш», «ТДС-Иш», «Ластик-Иш», «Петрол-Иш» касаба уюшмалари тақлифларига биноан республикализ металлургия саноати, алоқа, энергетиклар, киме саноати ходимлари касаба уюшмаларининг 8-10 кишидан иборат гурӯхларга бўлинниб, Түрккия бориб, малакаларини ошириш марказларидаги кайтган эди ва шу тадбирлар Косинча тиббёт марказининг 75 шифокори томонидан 1994 йил август ойидаги Тошкент шаҳрида ўтказилди.

Бугунги кунда республикализ касаба уюшмалари жаҳон касаба уюшмалари харакатида муносиб ўрин эгалламоқда. Узбекистон касаба уюшмалари Федерацииси кенгаши Касаба уюшмалари Умумий Конфедерациясиning аъзосидир. Бундан ташкири Умумжаҳон касаба уюшмалари Федерацииси билан ҳам мустаҳкам алоқалар үрнатган.

Маълумки, 1992 йилдан бери Узбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослаштирилган муассасаларидан бирин — Ҳалқаро Мехнат Таширifi (ҲМТ)нинг аъзоси. Мана шу 2 йил мобайнинда касаба уюшмаларимиз делегациялари ҲМТнинг Баш Конфедерациялари сессияларидаги доимо иштирок этиб келмоқда.

Узбекистон касаба уюшмаларининг ҲМТ билан ҳамкорлиги Узбекистон Мехнат кончилигини такомиллаштириш, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш, айниқса, аҳолини иш билан таъминлаш, мажлиси, алоқаларни ишлаб тушириш, тадбирларни ташкил этиб келмоқда.

Май ойидаги Узбекистон касаба уюшма-



ИСТИҚЛОЛНИНГ УЧИНЧИ

ДОВОНИ

Ўзбекистон, она юртим, тан ичра жоним,
Истиқлолнинг йўлларидан юрган карвоним,
Сени кутар йўлларингда нурли манзиллар,
Бошинг узра юртбошим бор, доно сарбоним.
Жаҳон келиб жамолингни тоғлошо этсин,
Жаҳонга юз очган менинг равшан жаҳоним.
Бутун кўксинг Мустақиллик водийси бугун,
Бахту иқбол жилва қылган эрка бўстоним.
Ўзлигининг дунё ичра намоён айла,
Ахил, яқдил, яхлит юртим — Ўзбекистоним!

Не баҳтки, бугун республикамиз мустақиллигининг учинчи довонига юксалиб, энди янги-янги нурли манзилларни кўзлаб турибмиз. Мустақил мамлакатлар даврасида Ўзбекистонимизнинг ўз мустаҳкам ўрни бор. Дунёга юз очган диёrimiz юксак эътибору ҳурматга молик. Ман-ман деган ҳар қандай каттаю кичик мамлакат билан мавқе баравар, даражаси баравар тилда гаплаша олади. Уч рангдаги ҳилолу юлдузли Байробомиз, жарангдор Мадҳиямиз, Ҳумо қуши акс этган Туғромиз, ўз Қомусимиз мавжуд. Эндиликда жаҳон пуллари билан беллаша оладиган курдатли ўзбек сўми ҳам ҳалқ хизматига киришиб кетди. Буларнинг барчаси чинакам мустақил мамлакатнинг расмий ва рамзий барқарор белгилари. Уч йил мобайнида эришган катта моддий ва маънавий ғалабалар, ютуқларимизни бир чеккадан санаб чиқишнинг ўзияни анчагина саҳифани эгаллаши мумкин. Энг улкан, бебаҳо маънавий бойлигимиз — ўз Ватанинг борлиги, миллӣ ғурури ифтихорининг мавжудлиги, ўз юрту диёрингга ўзинг эгалигинг туйғуси — энг олий, илоҳий неъматимиздир.

Миллӣ ғурур, Ватан туйғуси — бу асосларнинг асоси, тараққиётнинг таг заминидир. Шу бўлсагина ҳалқинг бақувват, Юрting фаровон ва гўзал бўлади. Водийларинг, воҳаларинг яшнайди. Тоғларинг ва боғларинг, шаҳру қишлоқларинг ободу барокотли бўлади. Ватанин севмоқ иймондандир. Улуғ ҳадисларда айтилган бу иборанинг маъноси беҳад теран ва буюк. Дунёда яшаб ўтишининг мазмуни ҳам ўз Ватанинг бағрида, она юртинг оғушида яшамоқ, унга хизмат қилмоқ, унинг камолига жону дилингни баҳш этиб, унинг билан фахрланиб меҳнат этиш, ижод қилиш баҳтидир.


Бу баҳтдан бебаҳра, бенасиб одамнинг ҳёти — зулмат чохидир. Ватанин севиш, миллӣ ғурурнинг худди асил жавоҳирлардай минг кирраси бор: ўз ҳалқинг тарихини яхши билиш, улуғ аждодлар яратган моддий ва маънавий бойликларни кўз қорачиғидай асараш, уларни дунёга кўрсата билиш, гўзал ва маъноли урф-одатлар, расм-руслар ва ӯдумларни қадрлаш ва ривожлантириш, миллӣ адабиёт, мусиқа, меъморий ва бошқа юксак санъатларимиздан завқдана билиш, ажойиб ватандошларинг номи, уларнинг улуғ ишлари билан ғурурланиш, шундай ажойиб ҳалқа, юртга, унинг бой тили ва маданиятига мансублигинг, дунё ҳаритасида ўз ўрнинг, ҳалқлар оламида ўз мавқейинг, салобатинг борлиги билан ҳамда давлатнинг буюклиги, истиқбули истиқлолинг аниқлиги барқарорлиги билан юрак-юракдан яйраб яшаш каби юзлаб фазилату хусусиятлардир.

Фахрланиб яшашнинг ўзигина камлик қилади. Бу демак — Ватан бойликларини кўпайтириш, келажак авлодлар баҳтини ҳам ўйлаб хизмат этиши устида муттасил қайғуриш туйғусини камолга етказишдир.

Диёrlар давраси ичра шон — довруғли,
Ўзлигин мардана сўзлаган диёр.
Ҳар мояри гўзали, баҳодир ҳар ўғли
Муқаддас мақсадни кўзлаган диёр,
Сен-етимиш хазина, шавкатли илму фан,
Эзгулик, яхшилик бағринг ичра нур.
Санъату нафосат барқ урган ҳур Ватан,
Байробинг бошинга мағрур еллинур!

Ватанинг буюклигини, унинг улуғ маъносини ҳорижий днёрларда бўлган'киши янада чуқурроқ хис этади. Мен ҳам гоҳ саёҳат, гоҳ иш сафари зарурати дегандай, кўпгина мамлакатларда бўлганман. Ҳозир кўз ўнгимдан ўша унтилмас пайтларни бир-бир ўтказиб турибман. Шундай тақрорланмас, юракни тўлкинлантирувчи ҳолатлар ҳам бўладики, уларни тилга олмай иложийўк. Шуларнинг биттасини эсга олай:

Бундан бир неча йил мұқаддам, тўғрироғи 1980 йилда собиқ ССР таркибидағи юртимизга Франциядаги йирик рўзномалардан бирининг Москвадаги маҳсус мухбири атоқли журналист Жан



Жорж оила аъзолари билан меҳмон бўлиб кетди. У киши ўн беш кун мобайнида республикамизнинг бир неча шаҳру қишлоқларни бориб кўди, ҳалқимиз ҳёти билан яқиндан танишиди. Ушбу сафар-саҳётдан мақсади Ўзбекистонимиз ҳакида туркум мақолалар ёзиш эди. Тақдир тақосози билан мен у кишига ҳамроҳ бўлдим. Самарқанд, Бўхоро, Хива, Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарлар, гўзал, навқирон Навоий шаҳри унда катта таассурот уйғотди. У мислив тарихий обидаларимизни, миллӣ гумбазлар, мовий пештоказлар көршисида узоқ-узоқ тўхталиб қолар, гўё улуг, муҳташам саройлар, мадраса мақсадидар жилосини, рангни бир умр эслаб қолиб учун юрган қатларига кўчираётгандай бўларди. Бу эса, табиий, менда кучли фахрланиши туйғусини уйғотиб, унинг ҳаяжонларига шерик бўлардим. Ҳақиқатан ҳам, тўрт улуг тарихий шаҳар меморчилиги дурдоналари бир-бирини тўлдиниб, тарихимизнинг бирмунча мукаммал манзарасини, тош, ганч, рангда акс этган ўлмас санъатни, аждодларимизнинг юксак маданий камоли, нафис дидини ҳамоиниш этарди... Саҳро ўтрасида фоят тез муддатда бунёд этилган Навоий шаҳри ҳам меҳмонни ҳайратга соглан эди.

Меҳмонимизни койил колдирган иккинчи кучли таассурот, назаримда, ҳалқимизнинг ажаб меҳмондўстилиги, очик феълиги, меҳнаткашлиги бўлди. Шийлону далаларда, корхонаю хонадонларда бўлган мулокот учрашувлар беркиёс даражада самимий, дилқаш эди. Мехмон бир дунё таассурот билан ватанига қайтиди. Шу сафаримиз давомида ўзим ҳам у билан дил-дилдан кўп сухбатлашдим. У ҳаёлга толиб, сўзлар эди:

— Ўзбекистон чиндан ҳам бадавлат мамлакат экан. Моддий ва маънавий ҳазинаси улкан, Табиий бойликлари чексиз. Имкониятлари янада кўп. Ҳалқи бемисол. У порлок келажакка сазовор бўладиган диёrl — ўшандай кунлар келади. Франция ва Ўзбекистон бир-бираға кўл беради, борди-келди кўпаяди. Бир-бирағиздан ўрганадиган, ўргатадиган жиҳатлар кўп. Тўғридан-тўғри, бевосита алоқалар ийлга кўйилса борми...

Мен у пайтда бу гаплар заминидан чуқур, жиндай таассуф билан ифодаланган маъноларни тўла идрок этолмаган бўйлишим табиий. У пайтлар ҳозирги маънодаги, бугунги ҳётилмиздаги мустакилликни — биз эришган олий муддаони аниқ тасаввур этишининг ўзи ҳам ширин орзу эди, холос.

Орадан бир неча йил ўтгач, бир гурух ноширлар сафида ўзим Францияга бориб колдим. Сафар дастуримизга биноан, Жорж ишлаётган рўзнома таҳририятига боришимиз ҳам режалаштирилган экан. Ҳурсанд бўлиб кетдим. Кўришдик ҳам. Оламшумул Парижни ҳаяжон билан томоша қилиб юриб, Жорж билан Ўзбекистонда кечганд кунларни эсладик. У янада Ҳақиқатада мухаббат билан тўлкинланиб гапириди. «Борди — келдиларимиз катта ўйлга тушадиган вақтлар келиши керак», дейдиган.

Дарвоже, ўшандай замон келди. Минг шукурлар бўлсинки, Ўзбекистонимиз дунёга юз тутди. Жаҳоний мустақил давлатлар даврасига дадил кирди. Истиқлол неъматларидан баҳраманд ҳалқимиз янги-янги парвозларга қулоқ очди... Энди Тошкентдан самолётлар тўғри Парижга ва дунёнинг кўпгина йирик шаҳарларига бемалол учбай боради. У томонлардан ҳам шундай ташрифлар бўлиб турибди. Франция Президентимиз Ислом Каримовни буюқ ҳурмат билан кутуб олиб, олий даражадаги эътибор кўрсатди. Узбекистонда Франция бошлиги ҳам бизнинг мұхтарам меҳмонимиз бўлди. Кўпгина ишбайларнолар, тадбиркорлар, ижодкорлар, ҳокимлар Францияга бориб, у ердаги илгор таърибаларни ўрганиб қайтишмоқда. Бундай мулокотлар эса кўп. Ўйлаб туриб, мумкин экан-ку! — деб юборгинг келади. Астойдил орзу амалга ошар экан, ҳали буларнинг бари ҳамир учидан патир. Насиб бўлса, барча соҳаларда жаҳоний кенгликларга чиқиб кетишимиш ҳақиқатдир.

Коронғи кечанинг бағридан чиқиб,
Тонга пешвозд юрган, эй азим карвон,
Бу сенсан Ватаним, муштоқ, интиқиб,
Тоза ҳаволарга кўкс очган армон.
Хушбахтан, Онажон, бу порлок дамда,
Қаршимда турибсан ҳур, мамнун ўзинг.
Зулматдан офтобга чиқсан одамдай
Шодлиқдан бир лаҳза қамашар кўзинг.

Жуманиёз ЖАББОРОВ
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
санъат арбоби.

КЕКСАЛАР

ИЗЗАТДА

Кексаларни ардоклаш, ҳурматини жойига кўйиш савобли ишdir. Истиқлол байрами олдидан республикамизнинг кўп жойларида тантанали кечалар, кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашув окшомлари ўтказилмоқда. Куни кеча худди шундай маросим Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши ва Тошкент вилояти фахрийлар кенгаши ташаббуси билан биргаликда уюштирилди. Маросимда қатор уруш катнашчилари ва меҳнат фахрийлари сиҳат-саломатлигини мустахкамлаш мақсадида санаторий ва курортлар учун ўйланималар топширилди. 1992-1993 йил мобайнида улардан 2 мингтаси санаторий ва курортлarda бепул дам олиб, сиҳатларини тиклаб кайтган бўлсалар, шу йилнинг 7 ойи ичидаги 149 нафар фахрий ана шундай имтиёзли ўйланима билан таъминландилар. Шулардан 15 нафари қишлоқ ҳужалиги ҳудудида яшовчилардир.

Инсондан азизрок, инсондан олийрок бойлик йўқ дунёда, — дейди Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси мувини Т. Ортиков. — Мустақил давлатимизнинг кексасими-шими. — баҳча-барчаси ҳар жиҳатдан бардам бақувват бўлишнин истаймиз. Айниқса, ёшларга ўз ҳётий тажрибалари, меҳнатдаги қаҳрамонликлари билан ибрат кўрсатувчи мўътабар кекса авлод гамида жон куйдиришнинг савобига не етсин. Биз касаба уюшмалари ходимлари ана шу савоб йўлида қўлимииздан келган саъхаракатларимизни ҳеч қаҷон бўшаштирамаймиз.

«Ишонч» мухбири.




Суратларда йўлланма топшириши лаҳзалари.
Д. АХМАД олган суратлар

Диг сўзмабиҳ

Ўттиз йилдан бери қурувчиман. Фақат вилоятимиздагина эмас, Фарғона водийси ва республикамиздаги номдор қурилишларинг анчагинасида иштирок этганиман, десам мубалага бўлмас. Наманган шаҳри ободонлашувига айниқса, кўп куч-гайрат сарфладим. Ўзбекистонимиз истиқлоле зришгач, кўпроқ миллӣ меъморчилигимиз руҳидаги бинолари барпо этишида эътибори кучайтирилди. Қатор масжидлар, соғиқ мадраса бинолари қайта таъмирланди. Бобораҳим Машраб боғида барпо этилган иморатларинг ассоциацияси қисми ҳам миллӣ меъморчилигимиз анъана-ларга содиқларини намоиш этдилар. Вилоятимизда миллӣ меъморчилик ва иморатсозликда ўрнак кўрсатгандарни муркофотлаш ўчун қурувчилар жамгармаси ташкил этилди.

Нельматжон ҚУЧКОРОВ,
«Наманганкурилиш» трести
комплекс курилиш бригадаси
бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган бинокор.



ИШОНЧ ДАРАХТИНИНГ ГУЛЛАРИ

ҲАЛҚИМIZЧАЛИК ривоятга, хикмату хайратомуз сўзларга бойи бу рўйи заминда кам топилса керак. Достону эртакларни, донишмандигини қўяверинг. Не шига бош бўлмасин унинг фикру, зикри яратиш, бунёд қилиши билан банд. Нима топсан наслимга, зурриёдимга қолдираман, дейди. Чирогим ўчмасин, дейди. Сўзни ривоятдан бекорга бошлидим. Мана ўшалардан бири:

Бир чол иўл ёқасига ёнгок кўчатини экаётса ўз айенлари қўршовида шикордан қайтаётган қайси бир юрт подшоҳи буни кўриб, тўхтаб сўрабди:

Отахон, ёнгок дегани камиди экилганидан кейин ўн иўл ўтга, ҳосилга киради. Ёшинеиз эса бир ерга бориби. Экканингиз ҳосилини қўрасизми — ўйқуми?

Тўғри, — дебди кекса чол, — унинг ҳосилини қўши менга насиб этмаслигини билиб турибман. Лекин набираларимга қолади. Ота-боболаримиз экиб кетдилар, бузлар едик. Биз экканни болаларимиз едди.

Подшоҳ бу сўзни эшишиб «оғарин» дебди.

Шу ондаёқ ҳазиначи чолга юз танга инҳом этибди. Буни кўрган чол подшоҳа юзланиб дебди:

— Мана, подшоҳим, эккан ёнгогим биринчи ҳосилини берди.

Подшоҳ чолга яна «оғарин» дебди. Ҳазиначи яна чолга юз танга берибди. Чол буни кўрд:

— Мана, подшоҳим, бир ийла иккى марта ҳосил берди, — деб ёнгоги тагига сув куя бошлибди.

Подшоҳ чолга қойил қолиб иўлида давом этибди.

Бу ривояти келтиришдан мақсад — ҳозирги кунда юракларимизда ишонч дарахти барг ёзаяти. Ҳўл, бу нималарда қўриняти? Биринчи навбатда Мустақилликка эршиган, шундай мамлакат борлигини бутун дунё таниди. Ер юзи ҳаритасидан ўз ўрнини мустаҳкам эгаллади. Дунёвий танилиши бизга ер юзи давлатларининг эшикларини очиб берди. Йўлларимиз катта ўйларга бориб туташди.

Худдир шу уч иўл орасида Ўзбекистон деган Серкүёш мамлакатининг шаҳару туманларидан юзлаб қўйма корхоналар қурила бошлиди. Уша ривож топган Япония,

Курия, Ҳитой, буёғи Европа давлатлари ўзларининг замонавий техника асбоб ускуналарини биз томон жўната бошлиди. Олиб келиб ҳамкорликда қўришига киришилди. Тадбиркорлар сафи кенгайди. Узоқ-яқин давлатлар тажрибасини ўрганиш иўлга қўйилди. Бу ҳамкорлик биринкетин маҳсултини бера бошлиса, ўзимизнинг дўйону расталарни тўлдириб, биз жаҳон бозорлари бўйлаб юришини бошлимиз.

У кунлар узоқ эмас.

Бу ҳолни қишилек ҳўжалигига ҳам кўйрамиз. Голланд дўстларимиз дехқончилигимиз маданиятини юксалтиши учун иши ўсулини биз томон сафарбар қилмоқда. Фақат бу эмас. Биз дунё тажрибасини ўрганишга қўйдик. Қанчадан-қанча юртдошларимиз биз чет эл деб ўрганган мамлакатларда маъзалини ошири, қизатиб, уларнинг энг яхши иши ўсулини тадбик қилиши учун олиб келмоқда.

Пахтамизнинг қадри-қиммати барчага маълум. Ўзбекистонимиз дон, галла Мустақиллигига тезор өриши учун катта одимлашга ўтди. Галлакорларимиз Мустақиллигимизнинг учинчи ийлида бир миллион тўрт юз минг тоннадан зиёд бўйдой етиши тири. Ана-мана дегунча Республикаимиз ўзининг галла омборига эга бўлади. Олислис давлатлардан олтин баҳосида бўйдой ташиб юрмайди.

Пахтамизнинг қадри-қиммати барчага маълум. Ўзбекистонимиз дон, галла Мустақиллигига тезор өриши учун катта одимлашга ўтди. Галлакорларимиз Мустақиллигимизнинг учинчи ийлида бир миллион тўрт юз минг тоннадан зиёд бўйдой етиши тири. Ана-мана дегунча Республикаимиз ўзининг галла омборига эга бўлади. Олислис давлатлардан олтин баҳосида бўйдой ташиб юрмайди.

Куни кечга ўғил-қизларимизнинг хорижий мамлакатларда ўқиши билан учун орзую армон эди. Бугун улар Ҳитой, Европа, универсitetlariida ўқимоқдалар. Американинг «Акееле» жамияти ўтган ийли қирқ бешта мактаб ўқувчиликни олиб бориб, турли штатларда инглиз тили бўйича таҳсил берди. Яқинда эллиқдан ортиқ болалар шу мақсадда яна Америкага жўнаб кетди. Ўрганиш ўз иўлида. Мен гурур билан бир мисолни таъкидлаб ўтмоқчиман: Америкалик муаллимлар шунни алҳоҳида ётироф этишида. Бир ийла ўқишига борган болаларимиз математика, физика, кимё, биология фани бўйича билимдон эканликларини ўша юрга ўқишига келган тенгдошлирига кўрсатишшибди. Фақат тилни чархлашга, оқу қорани англашга

Араб мамлакатларида ўқиётган болаларимиз ҳақида ҳам шу гапни айтиши мумкин. Имом Бухорий зурриёдлари бугун тилни чархлашга, оқу қорани англашга

киришилар. Маърифат мактабининг пой-деворини бобоколонларимиз аллақачон қўриб кетишганди.

Мустақиллигимиз уч ийллик муддати асрлик мудроқликни ўйғотди. Таниши, танилишдан ташқари боғча-ю мактабларда тил билишга қизиқиши кучайди. Ота-оналар болаларимиз дунёга олиб чиқадиган тилни билсин, деб астойдил ҳаракатга тушиди. Лицей, гимназия, коледж деганлари бир хил услубда ўқитиб келаётган синфлар, мактаблар, билим юртлари билан рақобатга киришиди. Шундан билса бўллади, барча ўйнашиларда ўзгаришилар бўлмоқда.

Замину замон, ўзини англайтган инсон ўзгариб бормоқда. Энди имконларни излаш, уни изга солиши фасли келди. Ҳалқимизнинг ҳар бир сўзида хикмат, серқирига маъно борлиги сир эмас. Қайси томонидан ёндошсане ақлинг ёришиб бораверади. Бизлар утоз Ҳамид Олимжонинг машҳур «Нима бизга Америка» шебрени ўзимизга тушуниб, ўзимизга талқин этиганимиз. Мустақил Республикаимиз болалари ҳашаша дегунча «Нима бизга Америка», деб қад ростлайди.

Биз эса Республика боғлари бўйлаб янги, бақувват кўйчатларни экайтишимиз.. Уларнинг ранг-баранг гуллаши, ҳосилга кириши олдинда. Муҳими, донишманлар ишонч сари етаклайди.

Ишонч тоглари баҳридан қўёши чиқиб келар экан, Ўзбекистонимиздан макон мамлакатга ҳар кўзи тушганида нурин сочатуриб: «о-фа-рин» дейди. Уша «оғаринлар» сизу биз «Ўзбекистонимизга кўз тегмасин», деб дуо қиласётган донишманд боболаримиз, ўзбегим деб ёнаётган юртбомиз шаҳнига айтилади.

Дунё бугун кимгандир

тор кўринади,

Кимга эса эртаси

бор кўринади.

Гуллаётир юракда

ишонч дарахти,

Булбулга гул, түяга

хор, кўринади.

Сафар БАРНОЕВ.

«Дир сўзлабини»

Мустақиллик — ҳалқининг толедаги, жуда ноёб, улғи неъмат. Мен турли лавозимларда ишилганман. Бир неча туманларда фирқа қўймаси саркотиби бўлганман. Собиқ СССР Олий Совети депутати бўлиб сайланганман. 1976 йил эди чамаси. Москвага сессияга бордик. Раҳматли Шароф Рашидов бир неча депутатлар билан бамаслаҳат вилоят саркотиби бўлган Мусахоновни сўзга чиқишини ва шу имкониятда пахтамизнинг харид нархини 46 тийиндан ѡч бўлмаса 50 тийинга кўтариб беришиларини сўрашинайтодилар. Мусахонов бу сўзни жуда тушунтириб, ўзбек дехқонининг заҳмати, оғир яшиши шароитни шарҳлаб туриб, сессия шитирокчиларидан пахтамиз учун 4 тийин сўради. Аммо маломатга қолди. Иттифоқ каттаконларидан бир нечтаси сўз олиб, «Ўзбекистон пахта нархига пул сўраяти. Айтинглар, мудофаа ҳаражатидан, болалар ўйи гўдаклари ҳисобиданни, ногиронлар нафақаси сарфиданми? Нимадан олиб берайлик бу тулни», деб гап ташлади. 4 тийин сўраб, 400 хил маломат, таънлар эшитганмиз. Литваник бир депутат эса ўз республикаси бюджетдан 1,5 миллиард олайтганда, Ўзбекистон 5 миллиарда якун таъмланётганини шундай гапирдик, Ўзбекистон аҳолиси кўплиги, ери катталиги, топшираётган маҳсулоти ҳам литваникдан бир неча баробар ортиклигини эслашга улгурмай, чапакбозли бўлиб кетганди. Шуларни эслаганимда мустақиллик қандоқ неъмат эканлигини ҳис қиласан. Кўргонтепа фахрийлари ҳам шундай тушунади. Улар кўраётган иззат-икромлари, ғамхўрликлар мустақиллик туфайли эканини яхши билишади. Минг шукур, юртда нима ўзгариши бўлса, энг аввал биз кексаларга ғамхўрликдан бошлиянипти. Мана кечагина чиқкан фармон, яхни дори-дармонлар сотилиши назорати ҳақидади. Бу ҳам бизга матъқуя ғамхўрлик. Кексайландан кейин дори-дармонга кўпроқ муҳтоҷ бўларканда киши.

Бу толедаги неъматни — мустақилликни асрла, мустаҳкамлаш, бунинг учун юрга мұхаббат, эле ҳурмат, тополасак кифоя. Айрим нопок одамларга қараб, «кимнинг ҳақини юлаётганини биласанми, меҳнаткаши дехқоннинг заҳматишини ҳақиқи бу. Ахир бир кило пахта учун баҳордан кузэча, ер шудорглашдан пахта теримгача 43 марта дала оралайди дехқон. Бунинг ҳақига хиёнат қиласанни худо кечирмайди», дегим келади.

Шукур, бозорларимиз хийла тартибга тушяпти. Президент Фармонлар берib, шахсан ўзи

иҳимоя қиласанти. Сайлларда, ўғинларда, ёшлар билан учрашувларда покиза ётиқод, элорта ҳурмат-мұхаббат, давлатимизнинг равноқ топшиши учун энг биринчи омил эканини тушунтиришимиз керак. Токи, уч ийллик ниҳолимиз — мустақиллигимиз бақувват дарахтга айлансан.

Узоқбой САРИМСОКОВ, Кўргонтепа туман фахрийлар кенгаси раиси.

УЛУФ АЙЁМ ШАРАФИГА

Ўзбекистон кимёгарлар саноати, алокачилар тармоғи ва бошқа катор корхона касаба уюшмалари фаоллари ташаббуси билан республикамиз мустақиллиги эълон қилинганлигининг учун йиллиги муносабати билан ўзбек халқининг маъниавияти ва маърифатини, миллий қадриятлари ва онгини юксалтириш ўйидаги бекиеси хизматлари учун бир гурӯҳ фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра республикамиз орден ва медаллар билан мукофотландилар. [Мукофотланнап рўйхати кундаклик Республика газеталарида ўзлон қиласди.

«Навонийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўзида 800 тонна селитра, 50 минг сўмлик халқ истемоли маҳсулотлари тайёрланди. 2 минг квадрат метрлик майдон эса сарншталанди. Самарқанд кимё заводида 500 тонна сульфат аммоний ўрити ва 40 минг сўмлик бошқа турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. 950 квадрат метрлик масофа тозаланиб, тартибга келтирилди. Жиззах пластмасса заводи жамоаси 500 квадрат метр масофа сатхини тозалаб, минг дона дарахтни оқлашди, 40 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришиди. «Совпластит» кўшима корхонасида ҳам 77 минг сўмдан ортиқ ҳажмадаги маҳсулот тайёрланниб, минг квадрат метрдан ортиқ масофа ободонлаштирилди, маблагни муҳтоҷ оилалар, ногиронлар, кўп болали оилалар ва етимхоналар хисобига ўтказишига карор килдилар. «Ишонч» мухбари.

Хабарлар магзи

● УЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан меҳр-шафқат ва инсонпарварлик таомилларига амал қилиб, Конституция 93-моддасининг 20 бандига асосан авф этиш тўғрисида Фармон берди.

● УЗБЕКИСТОН Республикаси миллий-маданий марказларни 1-фестивали қатнашчиларига Республикаизм Президенти Ислом Каримов берди.

● ҚИШЛОҚ хўжалиги корхоналарининг маҳсулот етиштиришни янада кўпайтиришдан, унинг сифатини яхшилашдан моддий манфаатдоригини ошириш, қишлоқда ижтимоий масалаларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси

Президенти «Қишлоқ ҳўжалиги соҳасини иктиносидай рағбатлантириши» ва эркинлик бериш тўғрисида.

● УЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Мажмаси «1994 йилги пахта досилини йигит-терминни уюшкоилини билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилиди.

● УЗБЕКИСТОН Республикаси Покистон Ислом Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчилиси этиб тайинланган Н. Фойибов Исломободда мамлакат Президенти Сардор Фаруҳ, Аҳмад Ҳон Легарийга ўз ишонч ёрлигини топширида мемлакатимиз Президенти Ислом Каримовн

Душанба

ЎЗТВ I

17.55 Истиқлол жамоли. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.15 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАКАЛЛИГИННИГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Истиқлол куртаклари". 19.10 "Мусаввир ва замон", "Ўзбектелефильм", Примъера. 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАКАЛЛИГИННИГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Биз танлаган йўл". 20.40 Оқшом эртаклари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Истиқлол жамоли. 21.30 Эълонлар. 21.35 Тўлан Низом. "Мустакиллик ила уйғоқ ҳар юран". 21.55 "Хирмон тўлиб тўқиди дон...". Галлакорларнинг меҳнат ютувларига багишланган кўрсатув ва концерт. 23.35—24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). "Тошкент" студияси танишириди:

19.50 "Ўтмишиз келажак йўқ". 20.20 "Билиб кўйган яхши". 20.40 "Богимга марҳамат". Телефильм. 20.50 Романслар кечаси. 21.20 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАКАЛЛИГИННИГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Истиқлол фидойилари". Элбек. 22.00 "Ҳафтанома" (рус тилида). 22.30—24.00 "Мимино". Бадий фильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.10 Футбол бўйича Италия суперкубоги. "Милан" — "Сампдория". Миландан кўрсатилади.

19.05—19.55

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Душанба куни детектив. "Кирол ёкутининг ўғирланиши". Бадий фильм. "Эркөв Пуаро" сериалидан. 20.55 "Ҳеч ким унутилмайди". 21.00 "Асли холица". 21.55—22.25 "Джаз-клуб".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Тифиз пайт". 18.25 "Шаддод Роза". Телесериал. 18.50 "Эксклюзив". Иваново вилояти қатъни режим зонасида маҳбуслар ҳаётини ҳақида. 19.40 Хайрли тун, кичкинтолай! 20.00 Янгиликлар. 20.30 "Монолог". 20.40 "Нафрот ва муҳаббат оралигида". Михаил Зощенко. 21.25 "Спорт унинди". 21.40 Иллюзионлар канали. 22.25—23.00 "Магик-шоу".

30 Сешанба

ЎЗТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонги дам олиш кўрсатуви.

8.30 Истиқлол жамоли. 8.35 "Ўзбекистон. Мустакиллик одимлари". "Ўзбектелефильм". 9.30 "Гулгунчалар". Болалар учун концерт. 1-кисм. 9.45 "Ўзбекистон-хорижиллар нигоҳида". 10.05 "Алломиш авлодлари". 10.25 "Ёшлик" студияси. "Ватандин яхши ёр бўлмас". 11.15 "Дўстлик чамонизорида". Мусикий дастур. 11.45—12.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

АВГУСТ — СЕНТЯБРЬ

кироли". Дам олиш концерти.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.30—23.35 "Жўра Саркор". Бадий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—8.00 "Тонг".

18.00 "Тифиз пайт". 18.25 "Шаддод Роза". Телесериал. 18.55 "Мавзу".

19.40 Хайрли тун, кичкинтолай! 20.00 Янгиликлар.

20.30 "Или манбадан". 20.40 "Ялта — Москва — Транзит-94". Эстрада қўшиқлари ёш ижрочининг IX телевизон танлови/танловнинг ёлиниши/.

31 Чоршанба

ЎЗТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 Истиқлол жамоли. 8.35 "Ўзбекистон. Мустакиллик одимлари". "Ўзбектелефильм". 9.30

"Гулгунчалар". Болалар учун концерт.

1-кисм. 9.45 "Ўзбекистон-хорижиллар нигоҳида". 10.05

"Алломиш авлодлари". 10.25 "Ёшлик" студияси. "Ватандин яхши ёр бўлмас".

11.15 "Дўстлик чамонизорида". Мусикий дастур. 11.45—12.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

16.55 Истиқлол жамоли. 17.00

Кўрсатувлар тартиби. 17.05

"Гулгунчалар". Болалар учун концерт.

2-кисм. 17.20 "Экрон довору".

Кинодастур. 18.00 "Ўзбекистон ва жаҳон". 18.30 "Мен буюк юрт ўғлидурман". Адабий композиция.

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 19.25 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАКАЛЛИГИННИГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР.

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

Тошкентнинг Мустакиллик майдонидан олиб кўрсатилиди. 21.40 "Ватан тўғуси", "Ўзбек-телефильм".

Премъера. 22.05 "Шум бола" чойхонаси. 22.55 "Ўзбекистон" ахборотининг маҳсус сони. 23.20—24.00 "АНОР" телевизон танлови. Махсус байрам сони.

Махсус байрам сони.

ЎЗТВ II

19.00—00.30 ЎЗТВ I дастурни.

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

*

18.00—19.55

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Футбол бўйича Россия чемпионати. "Спартак" (Москва) — "Спартак" (Владикавказ). 20.45 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп сериали бадий телефильм. 21.35 "Кўздан гойиб бўлаётган манзара". Лев Аннинский кўрсатуви. 22.20 Спорт кўрсатуви.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Футбол бўйича Россия чемпионати. "Спартак" (Москва) — "Спартак" (Владикавказ). 20.45 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп сериали бадий телефильм. 21.35 "Кўздан гойиб бўлаётган манзара". Лев Аннинский кўрсатуви.

*

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25—23.45 "Бир-бира га тўғри келмади". Бадий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—8.00 "Тонг".

18.00 "Технодром". 18.10 Муслим Магомаев хузырида меҳмонда. 18.50 "Агар..." Кўрсатувни В. Познер олиб боради. 19.40 Хайрли тун, кичкинтолай! 20.00 Янгиликлар. 20.30 "Монолог". 20.40 Оқшом эртаклари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

22.00—22.45 Янгиликлар.

17.55 Истиқлол жамоли. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.15 Истиқлол ва қонунчилик". 18.45 "Ёшлик" студияси. "Кимга қанақа?". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Шаҳар байрам арафасида". 20.10 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАКАЛЛИГИННИГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Ўзбек-сўми". 20.40 Оқшом эртаклари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

21.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

22.00—22.45 Янгиликлар.

17.55 Истиқлол жамоли. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.15 Истиқлол ва қонунчилик". 18.45 "Ёшлик" студияси. "Кимга қанақа?". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Шаҳар байрам арафасида". 20.10 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАКАЛЛИГИННИГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Ўзбек-сўми". 20.40 Оқшом эртаклари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

21.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

22.00—22.45 Янгиликлар.

17.55 Истиқлол жамоли. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.15 Истиқлол ва қонунчилик". 18.45 "Ёшлик" студияси. "Кимга қанақа?". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Шаҳар байрам арафасида". 20.10 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАКАЛЛИГИННИГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Ўзбек-сўми". 20.40 Оқшом эртаклари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

21.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

22.00—22.45 Янгиликлар.

17.55 Истиқлол жамоли. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.15 Истиқлол ва қонунчилик". 18.45 "Ёшлик" студияси. "Кимга қанақа?". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Шаҳар байрам арафасида". 20.10 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАКАЛЛИГИННИГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Ўзбек-сўми". 20.40 Оқшом эртаклари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

21.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

22.00—22.45 Янгиликлар.

17.55 Истиқлол жамоли. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.15 Истиқлол ва қонунчилик". 18.45 "Ёшлик" студияси. "Кимга қанақа?". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Шаҳар байрам арафасида". 20.10 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАКАЛЛИГИННИГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Ўзбек-сўми". 20.40 Оқшом эртаклари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

21.25 "Ўзбекистон" ахбороти.


22.00—22.45 Янгиликлар.

17.55 Истиқлол жамоли. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.15 Истиқлол ва қонунчилик". 18.45 "Ёшлик" студияси. "Кимга қанақа?". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Шаҳар байрам арафасида". 20.10 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАКАЛЛИГИННИГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Ўзбек-сўми". 20.40 Оқшом эртаклари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.


21.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

22.00—22.45 Янгиликлар.

17.55 Истиқлол жамоли. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.15 Истиқлол ва қонунчилик". 18.45 "Ёшлик" студияси. "Кимга қанақа?". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Шаҳар байрам арафасида". 20.10 ЎЗБЕКИСТОН Р



ЁШ АВЛОДГА ҒАМҲЎРЛИК



2 СЕНТЯБРДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНАДИ

Мана мактаб ўкувчилари ўзларининг янги ўкув йилига хам етиб келинди. Уларнинг ёзги дам олиш мавсуми якунланди. Хар бир ота-она фарзандининг ўкув йилига яхши хордик чиқарип кайтишини истайди. Лекин бунга доним имконият бўлмаслиги мумкин.

Маълумки, Узбекистон Фанлар Академиясида 70 га якин илмий-тадқиқот институтлари, муассасалар мавжуд. Академия Президиуми ва касаба уюшмалари республика қўмитаси нафакат ўз ходимларининг, балки, уларнинг фарзандларига хам ғамҳўрлик қилинган ўтибордан четда колдиргани ўй. Хар йилгидек ўзларига қарашли «Нихол» болалар согломлаштириш оромгоҳини ёзги таътил мавсумига тайёрлаш кўпчиликни хушнуд этди.

Бу йил хам оромгоҳда яхши анъана, тартиби сақлаш бўйича бир канча арзигулилар ишлар амалга оширилди.

Таътилнинг биринчи боскичда экологик жиҳатдан кийин мухитда яшатган Коракалпонистонлик болалар хам ташриф буюди. Уларнинг юзидағи мамунликни кўриб, келгусида хам бу ташаббуси давом эттиришини дилга тугиб кўйдик.

Эндокринология илмий-тадқиқот институти раҳбариятинг куйидаги сайи-харакати борасида сўз юритмай иложи ўй. Гап шундаки, бу йил «Нихол»кошида маҳсус павильон очишиб, унда қанди диабет билан оғриган болалар хам дам олишиди. Уларнинг ўз тенгдошлари даврасида хордик чиқарип, саломатликларини тиклашларидиллар катта рахмад багишлайди. Амалга оширилётган буйдай ишлар хукматимизнинг «Соглом авлод учун» тўғрисидаги карорига хамоҳанг бўлиб, давлатимиз

сёсатини кўллаб-куватлайди. Биз бошқа оромгоҳлarda хам шундай тадбирлар амалга оширилишини истаймиз.

Ўзбекистон, хусусан Тошкент дўстлик, тинчлик шаҳри бўлиб келган. Афгоностонлик бир гурӯҳ етим болаларнинг оромгоҳимизга келиб дам олгани буниг исботиди. Улар саломатликларини тиклаш баробарида оромгоҳда ўтиказилган турли тадбирларда фаол иштірўк этиб, анча дўстбирордаги орттирилди.

Оромгоҳда хар йилгидек турли мавзуда конкурсы, концерт, спорт мусобакалари ўтиказилди. Фолиблар совғалари билан тақдирланишдан ташкири музейларга, Ботаника боғига бориб, томоша кўнжаллар. Тошкентдаги кўйирчоқ театр жамоаси ажойиб саҳна томошлари кўрсатиди. «Ёшлик» кино-театр ходимларини болалар учун кунора кизиқарли фильмлар намойиш этиб турди.

Хамза туман соглини саклантириб дўлумни ходими бош педиатри Ш. Рихсиёва эса кунига иккى бор болаларни тиббий кўрикдан ўтказиб, улар саломатлигини кузатти туришиди. Биз буларни бежиз кайд этиб ўтмаямиз. Болалар мазмунли ва яхши дам олишлари учун бир неча ташкилот, муассасаса ходимлари биргаликда хизмат кўрсатиди. Хар боскич якунида болалар, ота-саналар юзидаги хушнудликни кўриб, бу хатти-харакатимиз, уринишими натижаси эканлигидан бенихоя фарҳландик.

«Соғлом» танда — соғ акл» дейдилар. Бундайи мазмунли хордик болаларнинг янги ўкув йилини мазмунли бошлаш ва янада чукуррок билим олишлари учун замин яратди, деб ишонамиз.

Рустам ЕРЛАҚАБОВ,
Узбекистон Фанлар академияси
«Фан» нашриёти ходими.

Дик сўзмабиҳ

— Мустақилликнинг дастлабки меваси сифатида қурилган иншоатлардан бири 100 минг аҳолига хизмат қиливчи деҳқон бозори бўлди. Ҳозир бу бозорга вилоят туманларидан, Гулистан, Янгиер шаҳарларидан одамлар савдо қилишга келишмоқда. Миллий усулда қурилган иккичойхона кексаларнинг ҳақиқий ҳордик чиқариш масканига айланган. Якинда 250 ўринни шифохона ва автостанция қурилиб, фойдаланишга топширилди. Йўллар таъмирланди. Ободончиликка ўтибор кучайтирилиб, кўчалар тартибга келтирилди.

Уч минг квадрат метр ҳажмадаги ўй-жой қурилишинин тезлатиш, бултур ишга тушган 10 миллион дона шартли банка консерва ишлаб чиқарувчи корхона кувватини ошириши, «Ударник» ширкат бирлашмасида колбаса заводи қурилишини, 70 га якин деҳқон-фермер ҳўжаликлари етишираётган сутни қайта ишловчи завод, «Баҳт ўйи» қурилишларини тезлаштириш чоралари кўрилаялди.

А. САРСЕНОВ. Зарбдор тумани ҳокими ўринбосари:

ПОЙТАХТ АХЛИГА НОЗ-НЕЪМАТ

Задарё тумани тупроғининг саҳиҳлиги, ноз-неъматларининг ширинликлида тенгислизиги ёздан маълум. Жазира маълумати чўл қўёши, Марказий Фарғонага хос об-ҳаво меваю сабзавот ва қовун-тарвузларга ўзгача таъм бағишлади. Бинобарин туман матлуботчилини шу йилдан янга бир савобли ишга кўйилди. Уз мечнатлари маҳсулидан пойтактада Тошкент ақолисини ҳам баҳраманд этишга киришиб қовуну тарвуз, меваю сабзавот юкландиган автомашиналар карвони жонажон пойтактада сарни йўл олмоқда.

Хамза туман соглини саклантириб дўлумни ходими бош педиатри Ш. Рихсиёва эса кунига иккى бор болаларни тиббий кўрикдан ўтказиб, улар саломатлигини кузатти туришиди. Биз буларни бежиз кайд этиб ўтмаямиз. Болалар мазмунли ва яхши дам олишлари учун бир неча ташкилот, муассасаса ходимлари биргаликда хизмат кўрсатиди. Хар боскич якунида болалар, ота-саналар юзидаги хушнудликни кўриб, бу хатти-харакатимиз, уринишими натижаси эканлигидан бенихоя фарҳландик.

«Соғлом» танда — соғ акл» дейдилар. Бундайи мазмунли хордик болаларнинг янги ўкув йилини мазмунли бошлаш ва янада чукуррок билим олишлари учун замин яратди, деб ишонамиз.

Рустам ЕРЛАҚАБОВ,
Узбекистон Фанлар академияси
«Фан» нашриёти ходими.

ИКТИСОДИЙ юксалишни кўзлаган ҳар бир давлат, шубҳасиз, илм-фанга таянади. Президентимиз ўтказиб келаётган доно сиёсат ана шу заминга қурилганини билан ўтиборга лойикдир. Ҳалқ зиёёларига кўрсатилётган ўтибор ва ғамҳўрлик уларнинг кучига-куч, гайратига гайрат кўшмоқда.

Институтимиз мустакиллик даврида кенг тармоқли университетига айлантирилди. Қобилиятли талабалардан 23 нафари Туркияга ўкиш учун юборилди. Улардан умидимиз катта. Чет эллик ҳамкасларимиз билан илмий алоқаларни ривожлантирайпмиз. Чуончи, АҚШ, Япония, Франция, Россия, Украина олимлари билан якин ҳамкорлик ўрнаттилди.


Ўзимга келсак, якинда Узбекистон Фанлар академияси мухбир билан ишлаш — 56-82-79. Социал адолат, иктиносий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63. Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43.

**МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ
КЕНГАШИ**

**Бош мұхаррир ўринбосары
Акмал АКРОМОВ**

ТАҲРИР ҲАЙЬАТИ:

Рустам АБДУРАЗЗОКОВ,
Абдуманип АЛИМБОЕВ,
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,
Тургунбай МАДИЁРОВ,
Тургун НАЗАРОВ (маъсул котиб),
Махаммаджон ОТАҚУЛОВ,
Мухайе ТЎЛАГАНОВА,
Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,
Баҳодир УМУРЗОКОВ,
Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ
(бош мұхаррир).



- Бош мұхаррир қабулхонаси — 56-25-36
- Бош мұхаррир мусави — 56-52-89
- Маъсул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

• Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
• Социал адолат, иктиносий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63
• Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10
Бухорода — 3-50-10
Гулистанда — 2-24-98
Жиззахда — 2-31-41
Навоида — 3-52-99
Наманганда — 6-22-10
Нукусда — 2-44-46
Самарқандда — 35-64-22
Термизда — 2-70-07
Тошкентда — 56-82-79
Фарғонада — 4-28-29
Урганчда — 6-03-40
Қаршида — 5-33-71

• Мухарририята келган кўлъёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан оиласлаги лозим) ва суратлар муаллифларга кайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Тахририят воситачилик килмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва зълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва зълон берувчилар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартани чиқа бошлатан.



СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА:

- Шанба кунлари чиқади.
- Босиша топшириш вақти — 19.00. Топширилди — 19.00.

Навбатчи масъуллар:

Тургун НАЗАРОВ
Жонид АБДУЛЛАХОНОВ.

МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри,
«Правда Востока» кўчаси, 24-йй.
• 69384 нусхада босилди.
• Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

• Газетага 1994 йил 14 январда ўзбекистон Матбуот давлат қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

• Офсет усулида босилди, формати А-3, ҳажми 2 босма табок.

• «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили. «Буюк Турон» кўчаси, 41-йй. • Буюртма Г-1013.

Кабрижонма



Азиз Мухторова Мамалакат
Ражаб қизи!

Кутлуг 50 ёшингиз муборак!

Дилдаги орзуларингиз ушалиб, соглиқ доим Сизга ёр бўлсин. Фарзандларингиз роҳатини кўриб, умр аўлодшингиз билан баҳтиёр яшанг, деб:

Оила аъзоларингиз: Тошкент шаҳар, Юнусобод туманининг 18-мавзеси, 25-йй.